



Карши йўллардан мунтазам
шоналиниш унитар корхонаси

Н.Азимов

2022 йил

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Танлов иштирокчиси учун йўриқнома

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22-апрелдаги ЎРҚ-684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисидаги” қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2018 йил 26 майда №3016-сон билан рўйхатдан ўтказилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха бошқаруви Миллий агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиши ва ўтказиш тўғрисида”ги тартиби асосида ишлаб чиқилди.

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

- 1.1 «Карши йўллардан мунтазам фойдаланиш унитар корхонаси қарашли обьектларда бажариладиган куриш-монтаж ишларида транспорт хизмат кўрсатиш
- 1.2 Танловнинг юқори қиймати ККС билан бирга 1 085 000 000 (бир млрд саксон беш млн) сум.
Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди .
- 1.3.Махсулот бўйича техник топшириқ танлов хужжатларинг техник кисмида илова қилинган.
- 1.4. Ушбу танлов якунлари бўйича голиб чиккан «Бажарувчи» билан шартнома тузилади.
- 1.5. Ишларни бажариш муддати: Голиб бўлган қатнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб белгиланган график бўйича
- 1.6 Ишларни бошлаш муддати: Аванс маблаглари ўтказилган кундан бошланади.

2.Танлов ташкилотчилари

- 2.1 Қарши йўллардан мунтазам фойдаланиш унитар корхонаси (бундан кейин – «Буюртмачи» деб аталади – танлов ташкилотчиси хисобланади.

Буюртмачи маъзили: Қарши шаҳар Шайхали кўргонча

Елек/адрес: ajumayev056@gmail.com

Танлов «Буюртмачи» томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда утказилади.

3.Танлов Иштирокчилари

- 3.1.Танловда мулкчилик шаклидан катъи назар шу мазмунда хизмат курсатишга ихтисослашган камида 2 йил тажрабага эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
- 3.2. Танловга иштирок этиш учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар кўйилади: танлов предмети қийматининг камида 20 фоиз микдоридаги айланма маблагларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблагларни беришга банк кафолатномаси , ишлар (хизматларни) бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, шартнома тузиш юзасидан фуқоролик муомала хукукий лаёкат ва ваколатлар, танлов обьектига ўхшаш обьектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги
- 3.3 Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар) ни бажариш билан боғлик фаолият конунчиликда биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.
- 3.4 Кайта ташкил этилиш, тугатиш, ёки банкротлик арафасида турмаганларга, мол-мулки мусодараага олинмаган, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда

ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир-бирига молиявий карамлиги мавжуд булмаганларга рухсат этилади.

4. Танловда иштирок этиш учун таклифларни тақдим этиш.

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов хужжатларида кўйидагилар тақдим этилиши лозим:

- техник қисм, “Буюртмачи” томонидан кўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

• нархлар қисми, танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлик кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдикланган ҳолда ёки ҳар бир варагини муҳрлаб тасдикланган ҳолда тақдим этилишлари лозим.

4.4. Кўйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талааб этилади:

Техник ва нархлар бўйича кўйидаги таклифлар:

- Техник хужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспорлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади);

4.5. Танлов иштирокчиси:

- Факат битта таклиф бериш мумкин;
- Тақдим этилаётган хужжатларининг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобган бўлади;
- Таклифлар бериш муддати тугагунга кадарўз таклифларини кайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хукукига эга.

5. Таклифларни тақдим этиш муддатини узайтириш

5.1 Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун тааллукли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5 календар кунга узайтириши мумкин.

5.2 Таклифлар муддатини узайтирилиши факат харид комиссияси йиўилиш қарори асосида амалга оширилади.

5.3 Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги карор маҳсус ахборот порталида жойлаштирилиши мумкин.

6. Томонларнинг жавобгарлиги

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган карор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. Бошқа шартлар

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор

қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камидаги ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.


7.2. танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш кун давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камидаги икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус ахборот порталада эълон қилинади.


7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5. Танловнатижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.


И.Боев




А.Жумаев



М.Музafferov



М.Тухтамишов



М.Кодиров